



## FINANCIAL SYSTEM AND FINANCIAL POLICY.

Suyarov Ashurbek,

Chirchik State Pedagogical Institute, Tashkent region,

Teacher of the Department of Pedagogy and Management a.suyarov@cspi.uz, (+998999070946)

Рахмонов X. Z.,

Chirchik State Pedagogical Institute, Tashkent region, 1st year student of School Management

### Annotation.

The article analyzes the features of finance in a market economy, which are associated with the collection, distribution, use of money in society, communication, the amount of relations, the role and significance of the requirements of commodity-money relations in the market Saving.

**Keywords.** Budget, microfinance, macrofinance, insurance, credit, subsidy, surplus, money, liquidity, deflation, money supply.

Бозор иқтисодиётида молиянинг ўзига хос алоҳида ўрни бўлиб, у жамиятдаги пул маблағларини йиғиш, тақсимлаш, ишлатиш билан боғлик, алоқа, муносабатлар йифиндисидир. Бозор иқтисодиёти товар-пул муносабатларидан иборат бўлиб, молия уларга хос иқтисодий категория ҳисобланади. Молия тарихий хусусиятга эга бўлиб, унинг пайдо бўлиши товар-пул муносабатларининг ривожланиши, давлат ва унинг эҳтиёжлари, вазифалари билан боғлиқдир. Молия - пул маблағларини йигиш, фойдаланиш ва унинг ҳаракатини тартибга солиш билан боғлик алоқалар тизими булиб, унинг ёрдамида турли даражада пул маблағлари, фондлари вужудга келтирилади ва улар такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларни қондириш мақсадида тақсимланади. Молиянинг турли хил турлари булиб, улар бир-биридан ажратилади: микро, макро даражада булади.

Микромолия - иқтисодиётнинг қуи даражасидаги молия бўлиб, у фирмалар, корхоналар, уй хўжаликлари (хонодонлар), нодавлат ва жамоат ташкилотлари молиясидан ташкил топади. Микромолия тизимида суғурта алоҳида ўринга эга. Суғурта компанияларидағи молия ресурслари икки манбали бўлиб, бири суғурта компанияларининг пули, иккинчиси суғурта килинган фирмалар, ташкилотлар ва аҳолидан суғурта бадали тариқасида тушган пулдан ташкил топади. Бу пул сарфланганда суғурта ишларини олиб бориш ҳаражатлари қопланади ва суғурталанувчилар кўрган заарни қоплаш учун суғурта тўлов ажратилади. Уй хўжалиги (хонадон) молияси. Бу ерда жуда катта пул ресурслари тўпланади. Кўпгина мамлакатларда жамият жами даромадининг 60-65 фоизи хонадон молиясидан ўтади. Хонадон молияси ресурслари: иш ҳақи, тадбиркорликдан, якка меҳнат фаолиятидан, мулқдан, қарз олинган пул, томарқа ерида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб сотишдан оладиган пул, пенсия, стипендия ва турли хил нафақалардан тушган пул даромадларидан иборат бўлади. Бу ресурслар мажбурий ва кўнгилли тўловлар фонди, товар ва хизматларни тўлаш, харид қилиш фонди ва жамғариш фондларини ташкил этган ҳолда сарфланади. Хонадон (уй хўжалиги) молиясининг асосий қисми истеъмолга сарфланади.

Макромолия - умумдавлат молияси бўлиб, давлат умуммиллий, умумхалқ манфаатларини ўзида гавдалантирувчиidir. Давлат молияси давлатнинг барча даромадларининг



йигиндиси давлат бюджети ижтимоий суғурта, давлатнинг мол-мулки ва шахсий суғурта фонди ва бошқа бюджетдан ташқари фондлардан ташкил топади. Давлат пул маблағларининг асосий марказлашган фонди давлат бюджети молия тизимининг асосий буғини ҳисобланади. Бюджет давлат, корхона, фирма, ташкилот, муассаса ёки айrim шахснинг маълум муддат учун белгиланган даромад ва харажатларининг йигиндиси. Давлат бюджети жамият миқёсида яратилган барча даромадлар йигиндиси бўлган миллий даромадни қайта тақсим-лашни амалга оширади. Даромад ва харажатларни мувофиқлаштириш орқали бюджет камомади, тақчиллиги бартараф этилади. Халк хўжалигини молиялаштиришда кредитлашга ўтиш, паст даромадли корхоналар учун бериладиган дотацияларни аста-секин қисқартириш, солик ўндириш тизимини ўзгартириш, маҳаллий бюджетлар ролини ошириш, иқтисодиётни соғломлаштириш ва ривожлантириш, икгисодий ўсиш суръ-атларини ошириш, даромадларни кўпайтириш, бюджет тақчиллигини тугатишга хизмат килади. Бюджет даромадларининг харажатлардан ошиши бюджет профицити деб юритилади.

Пул бозор иқтисодиётининг асосий воситаси булиб, унинг ёрдамида барча иқтисодий алоқалар амалга оширилади. Пул бозор иқтисодиётининг қон томири, чунки бозор пул орқали ҳаракатга келади. Иқтисодиётда пул тизими - пулнинг ўзи, пулни муомалага чиқариш, пулнинг шакллари, валюта режими (миллий пулни бошқа давлат валютасига алмаштириш), пул билан шуғулланувчи молия муассасалари (банклар ва банқдан бошқа ташкилотлар) ва давлатнинг пул соҳасидаги сиёсатини ўз ичига олади. Пул асосий молиявий актив тариқасида акция, облигация, сертификатлардан тубдан фарқ қиласи, чунки унга тўлов воситаси сифатида ҳамма вақт ҳамма жойда исталган товар ва хизматларни чекловсиз харид қилиш мумкин, ваҳоланки, бошқа активлар ёрдамида бу ишни бажариб бўлмайди, чунки бунинг учун активларни сотиб пулга айлантириш керак. Пул универсал тўлов воситаси сифатида ҳамма ерда ҳамма вақт қабул қилинади, чунки пулга алмаштирилмайдиган бирон-бир нарса, товар бўлмайди. Пулни товарга айирбошлиш тўхтовсиз давом этади ва у қўлдан-қўлга ўтиб, доимо ҳаракатда бўладики, айrim иқтисодий қарашларда муомала вақтида пулдан «тер» тўкилиб туради, деган ибора мавжуд. Пул айирбошлишда жуда катта қулайликларга олиб келади ва айирбошлиш харажатларини мислсиз тарзда қисқартиради. Пул товар айирбошлиш вақтини тежаш орқали иқтисодий ўсишга катта ҳисса қўшади. Пулнинг ликвидлиги - унинг муомалага воситаси сифатида ҳамма нарсага, ҳар доим тез ва хеч бир чекловсиз-тўсиқсиз айрибошланишидир. Пулнинг ликвидлиги шундаки, у хеч бир харажатсиз хоҳлаган пайтда хоҳлаган нарсага айирбошлана олиши билан бошқа активлардан тубдан фарқ қиласи. Масалан, олтин, кумуш, жавоҳир, машина, зеби-зийнат буюмларини бошқа нарсага айлантириш учун уни сотиб пулга айлантириш учун маълум вақт ва харажат керак булади. Пул жамғариш воситаси бўлиши учун у барқарор қадрга эга бўлиши керак. Чунки пул қадрсизланса, маълум микдордаги жамғарилган пулга вақт ўтиши билан кам товар харид этилади. Шунинг учун қадрсизланган пул жамғарилган бойликни қисман йўқотишдир. Пул ўз шакли жиҳатидан қофоз, танга пуллардан ташкил топса, муомалада у нақд ва нақд бўлмаган пулларга бўлинади. Нақд пуллар - бу аҳоли қўлида, яъни сиз ва бизнинг қўлимиздаги аниқ моддий шаклдаги қофоз ва танга пуллардан иборат бўлиб, қўлдан-қўлга ўтиб юрувчи энг кўп тарқалган тўлов воситасидир. Нақд бўлмаган пуллар - аниқ моддий шаклга эга бўлмаган, у хаёлий пул, уни қўл билан ушлаб, кўз билан кўриб бўлмайдиган пул бўлиб, бу банкдаги аҳоли, фирмалар ёки давлат ташкилотларини номига ёзиб



банқдаги ҳисоб рақамида сақланадиган пуллар. Бу пуллар ҳам тўловларда қўлланилади. Яъни, тўлов амалга оширилганда пул бир ҳисоб варагидан бошкасига ўтказилади.

Пул қандай шаклда бўлишига қарамасдан у иқтисодиётда ҳар хил хизмат қиласди. Шунга биноан актив (фаол) доимо ишлаб турадиган ҳаракатда бўлади, яъни иқтисодиётда тўлов воситаси вазифасини узлуксиз бажариб турадиган. Пассив пул эса, иқтисодий фаолиятда қатнашмаётган жамғармадаги пул резервлари ва банклардаги вақтинча ишлатилмаётган пуллар. Барча пул турлари иқтисодиётда пул массасини ташкил этади. Пул массаси маълум бир мамлакатда, муайян пайтда муомалада бўлган барча пул турларининг миқдори. Пул массаси унинг агрегатларидан ташкил топади. Пул агрегати - бу пулнинг ликвидлиги жиҳатидан гурухларга бўлиниши бўлиб, энг олдинги агрегатта ликвидлиги юқори бўлган пуллар киритилади. Масалан, биринчи агрегатта нақд пуллар, йул чеклари, зарур вақтда банқдан олиш мумкин бўлган, аммо маҳсус ҳисоб варагда турган пуллар, чек ёрдамида олиниши мумкин бўлган бошқа пуллар киритилади. Энг сунгти аг- регатлар ликвидлиги пастроқ пуллардан иборат булади. Пул муомаласи - бу пулнинг ўз вазифаларини бажариш жараёнида доимо айлашиб туришидир. Маълумки пул уни сақловчи банклардан чикиб, давлат ва нодавлат корхоналарига, фирмаларга келиб тушади ва бу ердан меҳнаткашлар, нафа- қахўр ва бошка пул оладиганлар қўлига ўтади. Улар бу пулдан тирикчилик учун товар ва хизматларни харид этадилар, давлат ва нодавлат ташкилотлари ресурс ёки истеъмол товарларни олгач пул яна банкка қайтиб келади. Пулнинг бундай ҳаракатининг тўхтовсиз такрорланиб туришига пул обороти - айлашии дейилади. Иқтисодиётдаги олди-берди алоқаларига хизмат қилиш учун маълум миқдордаги пул талаб килинади. Пул оз бўлса унда дефицит ҳосил бўлади, пул кўп бўлса унинг қадри тушиб кетади ва пул топишга интилиш сусаяди, иқтисодий фаоллик ҳам қучсизланади. Шунинг учун иқтисодиётда пул етарли бўлиши керак. Инфляция юз берганда барча товарлар нархи ошиб, нархнинг умумий даражаси юқорираб кетади, пул бирлигининг харид қурби пасаяди, бирон-бир товарни харид этиш учун олдингидан қўпроқ пул сарфланади. Инфляция шароитида пул керагидан ортиб кетади, яъни пул массаси ва товар хизматларга нисбатан кўп бўлади. Иқтисодиётда инфляция ва дефляция деган тушунчалар мавжуд бўлиб, инфляция пул бирлиги қадрининг нархлар ошиб кетиши натижасида пасайишини, дефляция аксинча нарх пасайиб пул қадрининг ошишини билдиради. Бозор иқтисодиёти шароитида пулни олди-сотдиси юз беради. Бу пул кредит бозори ҳамда валюта бозоридан иборат бўлиб, кредит бозорида пулни ишлатиш, даромад олиш учун сотилади.

Кредит молиянинг таркибий кисми бўлиб, пул билан бўладиган муносабатларни ўз ичига олади. Аммо кредит молиядан фарқли улароқ у ҳар қандай пулни эмас, балки вақтинча бўш турган пулни қарзга олиб ишлатилиши тушунилади. Кредит вақтинча бўш бўлган пул маблағларини қарзга ссуда шаклида тўплаш ва уларни пулга муҳтоҷ бўлган ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқа эҳтиёжларини қондириш учун маълум муддатга, устама (фоиз) - тўловлари қайтариш шарти билан қарзга бериш демакдир. Қиска қилиб айтганда кредит - бу пул эгаси билан уни нақд тўлаш шарти билан қарзга олиб ишлатувчи ва улар ўртасида турган воситачиларнинг иқтисодий муносабатларидир. Кредит субъектлари - кредит алоқаларининг иштирокчилари бўлиб, пулнинг эгалари, қарз олувчилар ва воситачилик қилувчилар, яъни турли хил фирмалар (корхоналар) ташкилотлар, давлат ва унинг муассасалари, молия институтлари, аҳолининг кенг қатламлари. Ушбу субъектларнинг ҳар бири бир вақтнинг ўзида ҳам қарз олувчи ҳам қарз берувчи бўлиши мумкин. Пулни қарзга берувчи кредитор, қарз олувчи эса ссуда олувчи



ёки қарз күттарувчи ҳисобланади. Кредитнинг олди-бердисида иштирок этувчи воситачилар кредит институтида бирла- шадилар ва бу уч субъект кредит муносабатида қатнашади.

Банк кредити - кредитнинг асосий ва етакчи шакли бўлиб, у пул эгалари банклар, махсус кредит муассасалари томонидан тадбиркорлар, давлат, хонадонларга ссуда шаклида берилган қарз. Ипотека кредити - қўчмас мулк, (ер, бино) ҳисобига узоқ муддатли қарз (ссуда) шаклида берилади. Бундай қарзлар бериш банклар ва корхоналар томонидан чиқариладиган ипотека облигациялари шаклида бўлади.

Марказий банклар - банклар банки, банклар отаси ҳисобланиб, улар пул эмиссияси, яъни пулни муомалага чиқаради, давлатнинг олтин-валюта заҳираларини сақлайди, кредит заҳираларини банклар ўртасида тақсимлайди, давлат пул- кредит сиёсатини амалга оширади, пул муомаласига дойир тар- тиб қоидаларни ишлаб чиқиб, уларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатади, давлатнинг монитар сиёсатини амалга ошириш, бошқа барча банклар фаолиятини уйғунлаштириш ва улар устидан назоратни амалга ошириш; халқаро валюта бозорларида миллий валюталарни айирбошлиш; бошқа банкларга кредит бериш каби вазифаларни бажаради.

Халқ банки - асосан омонат ишларини ташкил этади, аҳолига шахсий эхтиёжлар учун кредит беради, накд пулсиз ҳисоб - китоб қиласи, аҳоли омонатларини сақлайди ва улар учун ғазна вазифасини амалга оширади. Ипотека банклар - бу кучмас мулк (ер ва иншоот) ҳисобига узоқ муддатли ссуда беришга ихтисослашган. Ипотека банкининг ресурслари ўзларининг ипотека облигациялари ҳисобига шаклланади. Олинган ссудадан уй-жой ва бошқа иншоотлар қуриш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш учун фойдаланилади. Банклар иқтисодиётнинг харакатлантирувчи кучи бўлиб, улар иқтисодиётни юксалтиришни таъминлайди, бунга албатта иқтисодиётни доимо пул билан таъминлаш, уни керакли соҳаларга йўналтириш орқали таъминланади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. А.Ўлмасов, А.Ваҳобов - «Иқтисодиёт назарияси» дарслик, Т. «Шарқ» 2006 йил.
2. Н.Бекнозов - «Иқтисодиёт назарияси» дарслик, ТДЮИ, 2005 й.
3. Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Рофуров - «Иқтисодиёт назарияси» Г. «Фан ва технология» 2005 йил.
4. Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Рофуров - «Иқтисодиёт назарияси» Барча йўналишдаги бакалавриат талабалари учун. Маъруза матнлари. Т. 2007 йил.
5. Абдуллаев. Бозор иқтисодиёти асослари. Тошкент, “Меҳнат”, 1997.